



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев «Ҳиндистон — Марказий Осиё» мулоқотининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Мубашир Жавад Акбар билан учрашди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил октябр ойида Ҳиндистонга амалга оширадиган давлат ташрифи доирасидаги тадбирларни ташкил этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик ҳамкорлик муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Халқларимиз ўртасида қарор топган кўп асрлик дўстлик, маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар истиқболли шерикликнинг бугунги ҳолатини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда.

Мамлакатларимиз турли тузилмалари ўртасида мулоқот ва учрашувларни ташкил қилиш мунтазамлик касб этган. Хусусан, «Ҳиндистон — Марказий Осиё» мулоқоти кўп томонлама иқтисодий, сийсий маслаҳатлашувларни амалга оширишнинг қулай воситасига айланди. Транспорт-логистика ва инвестиция соҳаларида истиқболли қилишларни ишлаб чиқиш, барқарор тараққиётга ҳавф солувчи турли таҳдидларга қарши биргаликда курашиш масалаларини муҳокама қилиш учун ўзига хос мулоқот майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

Учрашувда Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Мубашир Жавад Акбар Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ҳамкор ва дўст сифатида Ҳиндистон томонини ҳам бирдек қувонтиришини алоҳида таъкидлади. Давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш борасидаги алоқаларни мустақамлашда парламентларaro ҳамкорлик, жумладан, дўстлик гуруҳлари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигини қайд этди.

Музокаралар якуни бўйича томонлар Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма тадбирларини муваффақиятли ўтказиш йўлида барча саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қарор қилди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири.


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРАСИ ДИҚҚАТИГА!

НАМУНАЛИ УЙЛАР ҚУРИЛИШИ НАЗОРАТИ КИМНИНГ ЗИММАСИДА?

Ёки қурилиш нозоратсиз қолган уйлар,
оворато сарсон одамлар ҳақида

Йигирма йилдан бери ўқитувчилик қиламан, ойлик маошим 1 миллион 400 минг сўм. Бир миллион сўмни ҳозир яшаётган ижара уйимга тўлайман, қолгани нимага етиши мумкин? Дўсту-биродар, қариндош-уруғлардан ёрдам олиб, намунали уй учун 840 минг сўмлик кредит тўловини қилиб келаётган эдим. 3 нафар фарзандимнинг каттаси контракт асосида университетда ўқийди. Бундан ташқари, оиланинг кундалик харажатлари ҳам бор. Аҳволимни тасаввур қилиб кўринг. Шу каби муаммолар ва таъшишлар оғирлик қилдимки, инсулът касаллигига чалиниб, чап қўл ва чап оёқларим ҳаракатланмай қолди. Касалхонадан чиққач, моддий қийналиб кетганим учун битмаган бўлса ҳам июль ойида бу уйга кўчиб келдим. Чунки ҳеч бўлмаса ижара пулини тежайман...

Уйимиз қачон битишини Худо билади.



3

АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР ЖАҲОН БОЗОРИДА

Миришкор туманида аччиқ қалампирни экспортга
жўнатиш бошланди. Натижалар қандай?



ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИДА ЯНГИ ФАБРИКА



Суратда: Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Оқтош шаҳарчасида иш бошлаган тикув-трикотаж маҳсулотлари фабрикасида.

Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Оқтош шаҳарчасидаги «Боғшамол ҳаёт» масъулияти чекланган жамияти қошида тикув-трикотаж маҳсулотлари фабрикаси иш бошлади.

Ҳудудда амалга оширилган «Обод қишлоқ» дастури ижроси доирасида фаолият бошлаган фабрикада 35 киши иш билан таъминланди.

Мазкур лойиҳанинг яқин кунларда ишга туширилиши кутилаётган иккинчи босқичида яна 35 кишининг бандлиги таъминланади.

ЎзА

ФАРМОН ВА ИЖРО

ИМКОНИЯТ ВА ИМТИЁЗЛАР

ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар

Президентимизнинг 2017 йилнинг 1 декабрида қабул қилинган «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча равишда икки фоизли квота ажратилиши белгиланган эди. Жорий йилда ногиронлиги бўлган мингдан ортиқ шахс талаба бўлди. Бу йил илк бор қўлланилган ушбу амалиёт камчиликлардан холи эмас, албатта.

Ўзбекистон Ногиронлар жамиятида бўлиб ўтган учрашув ҳам айнан шу мавзуга қаратилди. Партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улуғбек Вафоев, бўлим мудири Боймурод Юсупов, Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрож Дархонов ва бошқалар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Давоми 2-бетда. ►



ДИҚҚАТ, МУҲИМ МАСАЛА!

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ОҒРИҚЛИ НУҚТАСИ

профессор-ўқитувчиларни
танлаш масаласидир

2018 йил 1-15 август кунлари мамлакатимиз олий ўқув юр்தларига кириш тестларининг янги усулда, адолат тамойилларига асосан ва шаффоф ўтказилиши муносабати билан ўзбек жамиятининг диққат-эътибори қайта ва қайта олий ўқув юр்தлари ҳамда у ердаги аҳволга тортилди. Газеталар, порталлар, ижтимоий тармоқлардаги сон-саноксиз мақолалар, фикрлар, тортишувларнинг негизиде — таълим тизимини тубдан соғломлаштириш, коррупция, таниш-билишчилик, таъмагирликни илдизи билан кўпориб ташлаш, глобаллашиш даври ҳамда замон талабларига мос келадиган таълим тизимини барпо этиш гоёси ётибди. Бу йилдан эътиборан, ниҳоят, кириш синовларини адолатли ўтказишга эришилган экан, энди навбатдаги вазифа олий ўқув юр்தларидаги таълимнинг савиясини кўтариш, катта орзу-умидлар билан олий даргоҳ оstonасини хатлаган ёшларга юксак даражада билим беришни таъминлашдир. Бинобарин, бу билимларни берадиган профессор-ўқитувчилар, уларнинг маънавий қиёфаси, интеллектуал ва билим савиясини яхшилаш муаммоси кун тартибига келиши тайин...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 июнда қабул қилинган Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарориди ҳаққоний таъкидланганидек, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида «талабанинг ўзлаштириш даражаси — профессор-ўқитувчилар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони» тамойили жорий этилиши белгилаб қўйилган. Бу олий таълим тизимида бундан буён мутлақо янги кадрлар сиёсати юритилишини аниқлатади. Шу сабабли бу хусусда узоқ ва яқин хорижда қандай усуллар ва ёндашувлар билан иш қўрилаётганини таҳлил қилиш ва юқоридаги қарорда олий таълим тизими олдига қўйилган вазифаларни бажаришда жаҳон тажрибасидан ўринли фойдаланиш зарурияти мавжуд.

...Ушбу мақолани ёзишга тайёрланар эканман диққатимни «Илм пулга сотиладими?» деб номланган мақола ўзига тортиди. <http://ziyouz.uz/oila-va-jamiat/ilm-pulga-sotiladimi/> Ундаги қуйидаги ўринларни айнан келтирмаман: «Ҳадиси шарифда, олимлар пайғамбарларнинг ворисидир, деб бежизга айтилмаган. Илм кишилари мол-дунёга майл қўйдими, шу аснода ўз вазифаларининг тескарисини бажара бошлайдилар. Яъни халқни гумроҳлик сари етаклашади». Шунингдек, муаллиф «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган «Қўланкадаги Россия» номли мақоладан иқтибос келтиради: «Агар институтларнинг ўқитувчиларига маош тўланмаса ҳам ҳечқиси йўқ — улар, барибир, ишга қатнайверади, чунки уларнинг таъмагирлик ва порахўрлик билан топадиган маблагларининг манбаи битмас-туганмасдир. Шунинг ҳам айтиб қўяйки, менинг танқидий мулоҳазаларим, биринчи навбатда гуманитар факультетларга тааллуқли. Техникавий ва бошқа факультетларда вазият ўзгача бўлиши ҳам мумкин...

Давоми 2-бетда. ►

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 18 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

1 АҚШ
доллари
8039,00

1 Англия
фунт
стерлинги
10503,76

1 Жанубий
Корея
вони 7,17

1 Канада
доллари
6169,14

1 Швейцария
франки
8310,76

1 Миср
фунти
450,11

1 ЕВРО
9347,75

1 Россия
рубли
118,05

1 Япония
иенаси
71,75

1 Хитой
юани
1170,52

1 БАА
дирҳами
2188,97

1 Австралия
доллари
5747,89

АЧЧИҚ ҚАЛАМПИР ЖАҲОН БОЗОРИДА

Миришкор туманида аччиқ қалампирни экспортга жўнатиш бошланди. Натижалар қандай?



Қалампирдан мўл ҳосил етиштирилди.



Вилоят бўйича бу йил 4 минг гектардан ошди, Миришкор туманида 2 минг гектар ерда қимматбаҳо қалампир ўсимлиги ўстирилди ва бугун ҳосил хорижий давлатларга жўна — тилмоқда.

Гапнинг очиги бошида Қашқа воҳасида бу янги экинни ҳамма ҳам бирдай қабул қилмади. Кимдир «фойдаси бўлармикан?» деса, бошқаси «пахтадан айирмасин, ўзиям, ўтини ҳам нақд фойда», деди. Яна биров «шунча меҳнат қилиб, эртага маҳсулотни сота оламизми?» деган мулоҳазани билдирган эди. Негаки, ўзимиз билган пахта, ғалла, картошка, сабзи, пийёз ва бошқа сабзавотларни ўстириш қон-қонимизга сингиб кетган. Қарши даштнинг улкан тумани — Миришкорда аччиқ қалампир экилаётган баҳор пайтида бўлган эдим. Энди ҳосилини йиғиштиришни ҳам кўришга аҳд қилдим. Менга ЎзХДП туман кенгаши раиси Ўткиржон Усмонов ҳамроҳлик қилди. Борсак, маҳсулот экспортга жўнатилаётган экан...

— Биз фақат маҳаллий навларига эмас, Туркия давлатидан келтирилган аччиқ қалампирнинг «қора акула» хилини ҳам ўстирганимиз. Ҳосилдорлиги гектаридан 6 тоннадан ошарди, — деди Фаргонанинг Боғдод туманидан келган деҳқон Умиджон Турғунов. — Аммо Ҳиндистондан келтирилган, қалампирнинг ҳосилдорлиги жуда баланд экан. Мана, пишиб етилди, териш-узиш бошланди. Яна бир гап — миришкорликлар жуда меҳнаткаш, укувли экан, бу янги экин парваришини яхши билиб олишди. Биз кўлимиздан келгунча тажрибамизни уларга ўргатдик...

Ўткиржон билан Гулистон қишлоғи яқинидаги ўсимлик мавжлашиб ётган янги далага келдик. Шунчалик битибдики, қалампирнинг бўйи 1,5 метрдан кам эмас. Қалампир майдони 150 гектар. Ҳосили беҳисоб. Шу пайт дала бошига Миришкор тумани ҳокими келиб қолди.

Равшан КОМИЛОВ,
Миришкор тумани ҳокими, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди:

— Тўғриси, туманимиз деҳқонлари роса меҳнаткаш, миришкор. Кейинги икки йил ичида

ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олинаётгани бунинг исботи. Аммо аччиқ қалампир экинни тақлиф қилишганда, анча мулоҳазага борганимиз, ахир, чўлда бу экин ҳеч қачон ўсмаган. Лекин яхши ният қилдик. Фарғона вилоятидан мутахассисларни тақлиф этдик. Астойдил меҳнат қилинди. Туманимиз аҳлининг 10 000 дан зиёди ана шу янги экинни ўстиришда қатнашди. 80 гектар ерда иссиқхона ташкил қилиб, қалампир ниҳолларини ҳам ўзимиз ўстириб, вилоят бўйича тарқатган эдик. Қаранг, қанчалик ҳосил мўл.

Шухрат ХУРРАМОВ,
тадбиркор, «Биг агро» МЧЖ раҳбари:

— Савол бераяписиз, мен барчасининг жавоби ана шу ҳосил тўла далада, деб ўйлаб турибман. Ҳа, 2000 гектар ерга ўзимиз қалампир эдик. Яна Қашқадарё вилоятидаги 1 минг гектар майдондаги ниҳолларнинг ўсишини назорат қилиш, деҳқонларга кўмаклашиш ҳам зиммамизда. Айта оламани ўша майдонларда ҳам ҳосил мўл. Аввало, Ҳиндистондан келтирилган қалампирнинг 2 хилини ўстирдик. Демак, «жи-валло» навининг аччиқлиги 40 балл, «таян» хилиники — 70-100

баллгача ўлчанади. Ҳар бирининг талабгори, истеъмолчиси бор. Биз Қатар, Саудия Арабистони, Қувейт, Польша, Чехия, Германия, Россия ва бошқа давлатлардаги харидор ва ҳамкорларимизга маҳсулотни жўнатамиз. Бошқача айтганда, жаҳон бозорига кириб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Битимлар тузилган. Айтмоқчи, баҳорда 100 гектар ерга экилган эртаги салатбоп қарамни май ойда четга экспорт қилгандик. Ҳозир қарамнинг «айзберг», «пекин» ва бошқа навларини экканмиз. Икки ойдан кейин четга чиқарамиз. Жами 2,5 минг тонна қарам экспорт қиламиз, деган мўлжалимиз бор. Энди, асосий экинимиз аччиқ қалампирга келсак, ҳосил 35-40 минг тоннадан кам бўлмайди. Маҳсулотни харид қилиш учун келган ҳамкорлар билан суҳбатлашиб кўринг...

Фотиҳ ЗАРИП ўғли,
туркиялик тадбиркор:

— Аввало юртингизга биринчи бор келишим. Халқингизнинг меҳмондўстлиги, очик чехра билан муомила қилиши, кўнглимдан жой олди. Бухор ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилдик. Тошкентни кўраиб ҳайратга тушдик, ниҳоятда кўркем ва замонавий шаҳар

экан. Биз тижорат аҳлининг вақтимиз ўлчоғлиқ. Юртингизда Ҳиндистон қалампирининг яхши хиллари ўстирилаётганини эшитиб келдик. Туркияда қалампирнинг аччиқроқ хилига талаб катта. Шунинг учун 3-4 минг тонна маҳсулот харид қилмоқчимиз. Мана, шу далада мўл ҳосилни ўз кўзимиз билан кўрдик.

Игор ИЛЬИЧЕВ,
россиялик тадбиркор:

— Очигини айтсам, бизнинг бозорларимизда Тайванд давлатидан келтирилаётган қалампир кўп сотилапти. Аммо нега Ўзбекистондан харид қилмас эканмиз? Ахир, масофа яқин, нархини келишиб оламиз. Ниятимиз — юртимиздаги савдо шохобчаларига янги узилган маҳсулотни етказиш. Бу — бозорларимиз талабини ўрганиш ҳам бўлади...

Дала бошида қалампирни четга жўнатиш тартиби намоён қилинди. Маълум бўлишича, 100 грамм кўк ёки тўла пишган қизил қалампир жойланган пластмасса идиш 3 килолик маҳсул яшикка жойланар, ёнига 10-15 кунгача эримайдиган муз бўлаклари солинар, кейин тезкор юк машиналарда Россия давлатига етказилар экан. Истаса, харидор маҳсулотни самалётда ҳам олиб кетади.

Менга тумандаги автоҳўжаликнинг катта ҳовлисини кўрсатди. Катта майдонга қизил гилам тўшалгандай эди гўё... Қизил бўлиб пишган қалампир доналарини саралаётган, қуришга ёяётган миришкорлик Шалло Чориева, Гулнора Тўйчиева, Гулшан Панжиева ва бошқа қизлар билан суҳбатлашдик. Улар кўчатларни экишдан тартиб, ҳосилни йиғиб олишгача иштирок этишяпти.

Вилоят бўйича бу йил 4 минг гектардан ошди, Миришкор туманида 2 минг гектар

ерда қимматбаҳо қалампир ўсимлиги ўстирилди ва бугун ҳосил хорижий давлатларга жўнатилаётган. Маҳсулот Миришкор туманида етиштирилган қалампирлар орттилган замонавий юк машиналари бирин-кетин йўлга чиқди...

Шу кун тумандаги айрим янгилликлар билан ҳам танишдик. Замонавий бозор, хусусий боғча ишга тушгани ҳақида илгари хабар бергандик. Энди Миришкор кичик шаҳарчасида истироҳат боғи яратиш режиси тузилибди. Шартномадаги 47 минг тонна ўрнига 60 минг тоннадан ошириб дон етказиб берган деҳқонлар бугун далада мўл пахта ҳосили етиштиришди. Ҳозир терим ташвишлари бошланган. Мен «Хўжаев Норбек» фермер ҳўжалиги иш бошқарувчиси, халқ депутатлари Миришкор туман кенгашидаги ЎзХДП груҳи аъзоси Султон Хўжаевни учратдим. Депутатимиз шундай деди:

— Икки йилдан буён донимиз ҳам, пахтамиз ҳам мўл. Буларнинг ҳаммаси катта ташиқлотчилик, ҳамжихатлик, заҳматли меҳнат туфайли. Миришкорликлар учун қалампир ҳам энди бегона эмас!

Бу ва бошқа фикрларни эшитиб, қалампир ўсган майдонларни айланиб, ўйладим: узок йиллар бу далада асосан пахта экиб келдик. Бундан бошқа нарсаси ўсмайди, деб ўйладикми ёки пахтадан фойда кўп дедикми, ҳар ҳолда бошқа кўп экинлар, хусусан, қалампир экиш ҳам ҳаёлимизга келмаган. Мана, биринчи ҳосилни кўриб турибмиз. Унинг соф фойдаси ҳақида йил якунида гаплашамиз.

ЮНУС УЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

РЕКЛАМА



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TASHQI IQTISODIY FAOLIYAT
MILLIY BANKI

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

барча ишбилармон ва тадбиркорларни
2018 йил 2, 4, 9 ва 11 октябрь кунлари

«Kinder Fruits» МЧЖ устав фондидаги «Ўзмиллийбанк»-нинг 100 фоиз улушини бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдога тақлиф этади.

Жамиятнинг бошланғич нархи - 13 378 891 341,65 сўм, тўловлар бирийўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан 7 (етти) йилдан ошмаган муддатга бўлиб-бўлиб тўланади.

Багафсил маълумотларни (71) 234-11-22, 234-15-60 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

www.nbu.uz

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

**ГАРАНТИЯ
1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihidin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@ozbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 938. 6761 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 23:15.

Topshirilgan vaqti — 00:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Toshtemir HUDOYQULOV

Sahifalovchi-dasturchi:
Ilhom BOLTAYEV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон савҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг:

1 2 3 5 6